

Болаларни Рамазонга ўргатиш учун 15 тавсия



17:20 / 01.06.2017 5116

- 1) Рамазон ойи фарзандларимизга рўза, намоз ва Қуръон тиловати каби ибодатларни ўргатиш учун жуда қулай фурсатдир.
- 2) Болалар билан кўпроқ муомала қилайлик, чунки улар кўрганларини қилишга ошиқадилар.
- 3) Ҳар бир нарсани босқичма-босқич ўргатиб бориш керак. Ислом таълимоти ҳам шудир.
- 4) Боланинг фаҳми, зеҳни ўсишда, шунинг учун у сизнинг кўрсатмаларингизга амал қилади, сиз билан бирга рўза тутуди.
- 5) Рамазонда хонадондаги ҳаёт тарзи, овқатланиш ва ухлаш вақтлари ўзгаради. Шунинг учун фарзандингиз ҳам шу тартибга мослашсин. Уларга тегишли вазифаларни белгилаб беринг.

6) Бола катталар айтган ишни бажаргани билан фахрланади.

7) 6-12 ёшгача бўлган болаларнинг Рамазондаги ҳолатлари:

- Рўза тутишга жисмоний тайёр.
- Талабни босқичма-босқич кўтариб борган афзал.
- Бола отасига қаттиқ тақлид қилади.
- Оиласининг муҳаббатига сазовор бўлиш учун ҳам рўза тутади.
- Катталар мени рўза тутганим учун мақтасин деб ҳам рўза тутади.

8) Рўзада болалар билан муносабатда тавсия қилинмаган ишлар:

- Мажбурлаб рўза туттириш.
- Рўзадорлигига бепарво бўлиш.
- Бошқалар рўзани сендан яхшироқ тутяпти деб танбеҳ бериш.
- Рўза тутмагани учун жазолаш.
- Рўза ҳақида маълумотсиз қолдириш.

9) Рамазонда болаларга ўргатиш лозим бўлган ишлар:

- Сура, дуо ва зикрларни ёдлаш.
- Болага у тушунадиган тилда маълумот беринг, қанча савол берса ҳам малолланманг.
- Бола билан доимо хушчақчақ бўлинг. Вазифаларини бажарганида мукофотлаш ёдингиздан чиқмасин.
- Доимо ҳолидан хабардор бўлиб туринг.
- Ўзингиз унга яхши ўрнак бўлинг.

10) Рамазонда болаларга айтиш тавсия қилинган сўзлар:

- «Мен сен билан фахрланаман!» дейишдан чарчаманг.
- «Машааллоҳ, катталардек рўза тутяпти! Менинг полвоним!»
- «Намозларини ҳам қолдирмай ўқиётган арслонимдан ўргилай».

- «Бу ўғлимни ҳамма мақтаяпти, ҳаммага ўрناق бўляпти».
- «Рўза тутганигда яна ҳам ширин бўлиб кетасан-да, болажоним».

11) Фарзандларингиз билан Рамазонда қиладиган ишларнинг рўйхатини тузинг:

- Қариндошларни зиёрат қилиш.
- Рўзадорларга ифтор қилиб бериш.
- Қуръон тиловат қилиш.
- Хайр-эҳсон қилиш.
- Беморларни зиёрат қилиш ва ҳоказо

12) Болалар бировга ёрдами тегишини жуда яхши кўради. Шунинг учун уларга баъзи бир энгил ишларни юклаб туринг.

13) Болаларни бездирадиган амаллар:

- Рўза тутмагани учун жазоламанг.
- Тутган рўзасини бошқаларники билан солиштириб, кўнглини ранжитманг.
- «Сен энди катта бўлиб қолдинг, рўза тутишинг керак», деб мажбурламанг.
- Рўза ҳақидаги саволларини жавобсиз қодирманг.

14) Шуни яхши билингки, болалар рўза тутишга мукаллаф эмас.

15) Қизиқтириб, мақтаб, боланинг руҳини кўтариб туринг.

Хайруллоҳ Ҳабибуллоҳ тайёрлади.